

# МАДАНИЯТ

№20 (155) 20.05.2021 йил

» Сунмас юлдуз жилоси



## Эл севган режиссёрнинг ижод мактаби

Ўзбек театр санъатининг ёрқин юлдузи, атоқли режиссёр ва актёр, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон халқ артисти Баходир Йўлдошев ҳақида ўйлаганда дафъатан унинг илк роли – Олчинбек (Оловли йўллар) кўз олдимга келади. Бир қарашда оғир-босик, яқин дўст, лекин совуққон, хиёнаткор Олчинбек дўсти Ҳамзанинг ортидан пичоқ санчишга тайёр туриши, ўз сотқинлигини сохта меҳрибонлиги билан яшироқчи бўлган виждонсиз йигит сифатида кўпларнинг ёдида қолган. Унинг актёр сифатидаги биринчи ролиёк келажигидан дарак берган бўлса ажабмас.

Бу ўринда биз фильм тафсилотларига тўхталмоқчи эмасмиз. Гап ҳақиқий истеъдод орадан 50 йил ўтганда ҳам хотирада муҳрланиб қолишида. Энди ундан кейинги сермахсул ижодий фаолият ҳақида мутахассислар, театршунос олимлар, унинг дўстларию шоғирдлари эътирофи, фикрлари умрини севган касбига бахшида этган, улар таъбири билан айтганда, “ҳақиқий

санъаткор режиссёр” ҳақидаги тасаввурингизни янада бойитиши аниқ.

Театр санъатига бефарқ бўлмаган ҳар қандай инсон учун машҳур режиссёр Баходир Йўлдошевнинг ҳаёти, ижодий фаолияти албатта қизиқарли. Бу ўринда ижодкор яратган, сахналаштирган спектаклларни бир эслаш кифоя. Халқимиз ҳанузгача севиб томоша қиладиган “Майсаранинг иши”, “Олтин девор”, “Келинлар кўзғолони”, “Фармонбиби аразлади”, “Чеча”, “Аршин мололон” спектакллари, тарихий мавзудаги “Абу Райҳон Беруний”, “Ибн Сино”, “Искандар”, “Нодирабегим”, “Қора қамар”, “Зебунисо” каби сахна асарлари, “Танг дарёсининг қизи”, “Ғариблар”, “Афғон репортажи”, “Лукаш ботир”, “Мен Чилига ишонаман”, “Ассалому алайкум қизлар” каби кўплаб хорижлик ва қардош халқлар адиблари асарларининг маҳорат билан сахналаштирилиши актёрларга ҳам, томошабинга ҳам катта маънавий озиқ бериб, ўзаро дўстлик муносабатларининг мустаҳкамланишига

хизмат қилади. Айниқса, бетакрор истеъдод, лаёқат эгаси бўлган Баходир Йўлдошевнинг мустақиллик йилларидаги заҳматли меҳнатлари туфайли нафақат юртдошларимиз, балки хорижликларнинг ҳам меҳрига, ҳайрату хавасига сабабчи бўлган “Буюк ипак йўли”, “Шашмақом” оммавий майдон томошалари, Мирзо Улугбекнинг 600, Амир Темурининг 660, Бухоро шахрининг 2500 йиллик тантаналари, “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, Мустақиллик, Наврўз байрамлари халқимизнинг маънавий маданий мулкига айланди. Бу томошаларга бор лаёқати, меҳрини берган истеъдодли режиссёр энди шу ажайиб халқчил тadbирлар, тантаналарда яшайди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазиригининг Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи, санъатшунослик фанлари номзоди Муқаддасхон Аҳмаджонова шундай дейди:

Давоми 2-саҳифада »

» Ушбу сонда

## Кўғирчоқ театри санъатини ривожлантириш йўлида

3-саҳифада »

## Инсон азиз, қадри муқаддас

4-саҳифада »



## Она тилимиз – овозли байроғимиз!

5-саҳифада »

## Жаҳоннинг ноёб тангалари

7-саҳифада »

» Театр ва ҳаёт



## Уларга муносиб шароитлар яратилади...

Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри яқинда, аниқроғи 2021 йилда ўзининг 50 йиллигини нишонлайди. Унинг ярим асрлик фаолияти, театрининг аҳил жамоаси, улар яратётган ажайиб спектакллар борасида узоқ сўзлаш мумкин. Булар ҳақида аввалги мақолаларимизда кенг маълумот берилган. Эътиборлиси, бу масканда нафақат ёши катталар, балки кичкинтойларимиз учун ҳам қизиқарли томошалар, эртак спектакллар намойиш этилади. Аммо тўлақонли фаолият учун зарур бўлган муаммолар ечими жамоанинг орузси бўлиб қолмоқда...



Лекин Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбековнинг ташрифи, жамоа аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бўлиб ўтган самимий мулоқот, дилдан суҳбат шундай орзулар рўёбига йўл очди дейиш мумкин.

Дастлаб ушбу маскан ҳақида театр директори Абдусaid Ғаниев ахбороти тингганиб, мавжуд шарт-шароитлар ўрганиб чиқилди. Аввало, узоқ йиллардан буюн таъмирталаб бўлиб қолган театр биноси, томоша зали, сахна ва барча бошқа хоналар, бинонинг ҳовли қисмини кўздан кечирган вазир суҳбат чоғида шундай деди:

– Очиғи, жуда ночор аҳволга келиб қолган шундай бинода ўз касбига садоқат билан меҳнат қиладиган аҳил жамоага раҳмат айтаман. Бу ерда фидойилар ишлаётганига шубҳа йўқ. Театрнинг профессионал ижодий фаолияти ҳақида яхши фикрлар кўп айтил-

ган. Лекин келгуси йили ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлайдиган жамоа талаб даражасида таъмирланган, барча шароитларга эга бинода фаолият олиб боришга ҳақли... Соҳанинг масъули, Маданият вазири сифатида бу борада зарур чораларни кўриш кераклигини ҳис этиб турибман. Тўғри, хозирги тезкор замон, бозор иқтисодиёти устувор давр талабларини ҳам яхши тушунган ҳолда муаммоларни биргалликда ҳал этишимиз керак. Бунинг учун барча дахлдор, давлат ва жамоат ташкилотларини жалб қилиб, бинонинг таъмирини бошлаш керак бўлади. Орада қолган жуда қисқа вақтда бунга улгуриш учун масъулият сизу бизнинг зиммамизда... Аввало, кўча тарафдан анча ичкарида жойлашган ва кўрimsиз ҳолга келиб қолган бинонинг фасад қисмига алоҳида эътибор қаратиш керак. Қолаверса, театрининг моддий-техник базаси ҳам янгиланишга муҳтож, овоз ва ёритиш ускуналари замон талабига жавоб бермайди.

Давоми 2-саҳифада »

Донолар сўзлайди... ! Ҳаётда турли саволларга тўғри жавоб топишдан қизиқарлироқ иш борми? Кўрқув – инсонга керак. У эҳтиёткор бўлишни ўргатади ва ҳаётни асрайди. Ёмон хабарлар бургут қанотида келади, яхшилари эса тошбақа оёқларида. Ишни ривожлантириш учун режа тузишнинг ўзи камлик қилади. Уни вақти келганда ўзгартиришни ҳам билиш керак. Айзек Азимов

Илк йиғилиш

**Ташкилий ишларга бағишланди**



Маданият вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов Zoom дастури орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ташкент шаҳри ва вилоятлар ҳудудий бошқармалари, вазирлик ҳузурдаги республика ташкилотлари раҳбарлари билан илк йиғилишни ўтказди.

Тадбирда мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йилли-

ги арафасида халқимизга байрам кайфиятини улашиш мақсадида тарғибот тадбирларини ўтказиш бўйича ташкилий ишлар муҳокама этилди.

Айниқса, энг чекка ва олис ҳудудларда, овул ва маҳаллаларда истиқомат қиладиган аҳолининг кайфиятини кўтариш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш

мақсадида йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирлар, ижодий учрашувлар ва концерт дастурларини юқори савияда ташкил этиш бўйича алоҳида топшириқлар берилди.

Шунингдек, ҳар бир ҳудуднинг тарғибот тадбирларига тайёргарлик жараёналари ўрганилиб, зарур тавсия ва таклифлар берилди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

Давоми. Боши 1-саҳифада

**Эл севган режиссёрнинг ижод мактаби**

– Устоз санъаткор Баҳодир Йўлдошевнинг, аввало, инсоний фазилатлари ҳақида айтмоқчиман. Кўпинча машҳурларимиз ҳақида гап борганда буюк сўзини кўп ишлатамиз. Баззан шу ўринлимикин деб ўйлаб қоламан. Аммо севимли касбига ўзини фидо этган, садоқат билан хизмат қилган, ҳеч қачон ҳаётий принципларидан тонмаган, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақ гапини айта оладиган, соҳани чуқур ўрганган, бу йўлда туну кун тинимсиз меҳнат қилиб ҳам ҳаётидан нолимаган, ёшларнинг меҳрибон, билимдон, аммо қаттиққўл, нафақат шогирдларига, ўзига ҳам талабчан бўлган, айна пайтда амалга ҳам, молу дунёга ҳам қизиқмаган ўта камтарин инсонни буюкликка дахлдор деб биламан. Гапимнинг исботи сифатида айтмоқчи бўлганим, Ўзбекистонимиздаги саноклигина лаёқатли режиссёрлардан бири сифатида 2009 йилда ўзи ташкил этган “Дийдор” экспериментал студиясига умрининг охиригача раҳбарлик қилган Баҳодир Йўлдошев ўз шогирдлари билан саҳналаштирган спектакллари-га билет сотилмаган, томошабин уни бемалол кўриши, фикр юритиши, бахслашиши мумкин эди...

Устоз маҳорат дарсларидан бирида шогирдларига шундай деган экан: “Ҳаётда ўз ўрнини топаман деган инсон, энг аввало, китоб ўқиши керак. Қалбингизни китоб нури билан тўлдириш. Ҳозир бунга кенг имкониятлар яратилган. Лекин китобни ўқиш эмас, тушуниш керак. Билимли киши қийинчиликлардан қўрқмайди. Билим қўрқувни енгил учун керак. Қолаверса, танлаган касбингизга содиқ қолинг. Сиз ўз ролларингиз билан одамларни, театр эса сизни тарбиялайди. Билими йўқ актёр узоққа бормайди.”

Умуман олганда режиссура ни ҳаёт тарзига ай-

лантирган Баҳодир Йўлдошевнинг файласуфона фикрлари, айниқса, соҳа ходимлари учун муҳим аҳамиятга эга. “Дин, билим ва театр инсонни тарбиялайди. Қачонки уларни чуқур ўзлаштирсангиз, идрок этолсангиз, тафаккур қилиш салоҳиятига эга бўлсангиз...”

Ҳақиқатан ҳам, устоз санъаткорнинг шогирдлари қулоғига сиргадек тақилган пурмаъно ўғитлари кўп. Улар 50 йилдан зиёд вақт давомида денгиз тубидан терилган дуру жаҳоирлардек жилоланиб туради: “Миллатни тарбиялаш учун театр жуда катта воқеа. Шунинг учун санъат йўлини танлаганларнинг масъулияти ниҳоятда кучли. Лекин бу машаққатли йўлнинг охирида эзгулик, ҳақиқат ва адолат деган нури манзил бор. Агар астойдил интилиб излансангиз, мақсадингизга албатта эришасиз. Фақат одамларнинг ишончини қозониш осон эмас, бунинг учун актёрлик касбига, саҳнага хиёнат қилманг. Тўй-томошалар билан қимматли вақтингизни ўтказиб юборманг. Кўп ўқинг, тафаккур қилинг, шунда томошабинга нимадир бера olasiz, яъни бир поғона юқорида бўласиз. Одамларни нури манзилларга бошлай olasiz...”

Бу ҳикматли сўзларга амал қилган ёшлар эса ўз мақсадларига албатта етади. Хулоса ўрнида кекса режиссёрнинг яна бир ҳикматини эслатиб ўтишни хоҳиз деб билдик: “Санъат – бу Аллоҳнинг неъматиди. Уни хор қилган ўзи хорликка учрайди. Ҳар бирингизда истеъдоднинг бир учқун бор. Уни ёлқинлантириш ўз қўлингизда. Ҳаётдан нолийверманг, унда яшашни ўрганинг. Ахир бир кун меҳнатларингиз мева беради, халқ сизни ўз санъаткори деб қабул қилади...”

Сайёра РИХСИЕВА



**Уларга муносиб шароитлар яратилади...**

Вазирнинг самимий сўзлари жамоа аъзоларини руҳлантириб, дилдаги гаплар тилга кўчди: театрнинг бош расоми Н.Глубокина таъмирлаш жараёнида алоҳида эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар, хусусан, актёрлар қаторида, расом, хормейстер, саҳна безатувчилари, тикувчилар цехи, акустика, овозларни сошлаш цехи ва бошқа техник ходимлар учун зарур бўладиган шароитларни эътибордан қочирмаслик ҳақида сўзлади.

Театрнинг бош режиссёри Гулрух Нажидова театр репертуарини янада бойитиш учун мутахассис драматурглар, истеъдодли ёшлар, тажрибали устоз санъаткорларга эҳтиёж катта эканлиги, миллий руҳдаги комедиялар камлиги, бу йўналишда ёздиган ижодкорлар деярли йўқлигини айтди. Бундай ҳолат театрда келувчиларнинг сонига ҳам таъсир кўрсатади...

Театрнинг тажрибали, устоз санъаткори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф.Максудов эса жамоанинг тинимсиз изланиш-интилишлари, заҳматли меҳнатлари билан яратилаётган ижод маҳсули халқ томонидан яхши қабул қилиниши учун томошабиннинг тафаккурини тарбиялаши, тарғиботи яхши йўлга қўйилган бўлиши лозимлигини айтди. Шунингдек, таъминот масаласида ҳам ҳал қилиниши зарур муаммоларнинг борлиги ва бу жиҳат фақат театр жамоасигагина тааллуқли эмаслигини таъкидлади.

Озодбек Назарбеков “Театр рейтингини қандай кўтариш керак?” дея мувожаат қилар экан, бу саволга жавобни ўзи бериб, шундай деди:

Юқорида таъкидлаганимиздек, театр жамоаси ўзининг ранг-баранг спектакллари билан одамлар кўнглидан жой олган, ўз мухлисларига эга. Лекин аҳолини кенг жалб этиш масаласида реклама ва маркетинг хизмати суст, одамларнинг хабардорлик даражаси паст.

Демак, бугунги кун талабидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, театрларимизда саҳналаштирилаётган спектакллар, умуман уларнинг ижодини тарғиб қилиш учун медиа-майдон яратишимиз лозим. Бунинг учун республикамиз бўйлаб реклама баннерлари ўрнатамиз. Натижада пойтахтимизга келаётган юртдошларимиз ушбу театр ҳақида ҳам маълумотга эга бўлади...

Дарҳақиқат, театр фаолияти ҳақидаги самимий эътирофлару, бинининг аҳволи ҳақидаги эътирозлар, аввало, ҳаётини шу касбга бағишлаб, уни умрининг охиригача ардоқлаб ўтишга аҳд қилган заҳматкаш артистлар, шунингдек, театрни ҳурмат қиладиган, томошаларини севиб кузатадиган ҳар қандай томошабин, мухлис учун айна дилдаги гап бўлди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар қандай санъат ёки асар у қанчалик зўр бўлмасин, барибир тарғиботга, рекламага муҳтож. Томошабинни театрда кўпроқ жалб этишнинг йўли унинг борлигидан аҳолини хабардор этиш, бунинг турли усулларини топиш, аввало, жамоа раҳбари, аъзолари, қолаверса, мутасадди ташкилотлар масъулиятига боғлиқ. Шунингдек, чиройли, замонавий кўринишга эга бўлган биносининг борлиги ҳар қандай театр ва унинг жамоасига илҳом, томошабинга эса эстетик завқ бағишлайди, маънан улғайтиради.

Тез орада яна мавзуга қайтиб, “Ташрифдан сўнг” рукни билан чиройли мақола ёзилса ҳам ажаб эмас...

С.ЭШМАТОВА



Кўрик-танлов

**“Йилнинг энг яхши ижтимоий ходимаси”**

Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги 2-касб-хунар мактабида туман тиббиёт бирлашмаси ижтимоий ходимлари ҳамда Бобохуросон маданият маркази ҳамкорлигида “Йилнинг энг яхши ижтимоий ходимаси” кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Мазкур танловни ўтказишдан мақсад – кексаларни эъзозлаш, ўзаро ҳурмат, меҳрга муҳтож инсонларга мурувват кўрсатишдек умуминсоний қадриятларимизни ёшлар оғинга синдириб боришдир.

Танлов уч босқичда, яъни таништирув, савол-жавоб ҳамда эркин мавзуда ўтказилди. Иштирокчилар ҳакамлар хайъати раиси, туман маданият бўлими бошлиғи А.Йўлдошев, ҳакамлар хайъати аъзолари Марҳамат тумани ҳокимининг матбуот котиби, Аҳборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси

Т.Исмонов, Ўзбекистон либерал демократик партияси раиси Х.Шералиев ҳамда касб-хунар мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари томонидан баҳолаб борилди.

Ижтимоий ходимлар ўзларининг ажойиб саҳна кўринишлари, жозибали рақслари билан барчага, айниқса, яқка-ёлғизлар рўйхатида турувчи нурунийларга бир олам қувонч ҳада этишди.


Тадбир Бобохуросон маданият маркази директори А.Мирзаева томонидан саҳналаштирилди. Кеча жуда кўтаринки руҳда ўтиб, яқуний натижаларга кўра, фахрли 1-ўринни Л.Мухиддинова, 2-ўринни Ш.Тошева, 3-ўринни Х.Қурбонвалар эгаллашди.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.



Фестиваль

Фориш ёшлари учун



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган ёшларнинг маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуслар ижросини таъминлаш ҳамда ёшлар билан ишлашнинг янгича тизимини жорий этиш мақсадида Фориш тумани Маданият бўлими ташаббуси билан "Истеъдод - 2021" кўрик-танловининг Низоми ишлаб чиқилди. Унда белгиланган чора-тадбирлар режасига асосан жорий йилнинг 1 - 17 майга қадар тумандаги умумтаълим мактабларида ўтказилган саралаш босқичларида танлаб олинган жамоалар иштирокида 18 май куни туман

маданият марказида Ёшлар фестивали ташкил этилди. Фестивални "Боғдон гуллари" фольклор этнографик халқ ансамбли бадиий раҳбари Б.Усмонов кириш сўзи билан очиб, ғолиб жамоаларга диплом ва эсдалик совғаларини топширди. Байрам дастурида умумтаълим мактаблари бадиий жамоалари ҳамда туман Маданият бўлими хаваскорларининг концерти дастурлари, "Эстрада ва цирк" тўғраги иштирокчилари томошалари намойиш этилди. **Л.ҲАКИМОВА,** марказ мутахассиси

18 май - Халқаро музейлар куни

# Тарихимиз кўзгуси

Ҳар қандай давлат тараққиёт сари интилар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ва қадимий ёдгорликларни ўрганишга ҳамда уларни сақлашга интилиши табиий. Айниқса, бу борада музейларнинг ўрни беқиёс. Чунки, музейлар ўтмишдан келган тарихий маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимга солинган йиғиндиси бўлиб, амалдаги қонун-қондага мувофиқ равишда сақланади ва намойиш қилинади.



Музейлар - тарихнинг сирли ҳилқатларини ўзида муҷассам этган ҳолда халқлар маданиятини, қадриятларини тараннум этувчи маскан ва давлатларни бир-бирларига яқинлантирувчи кўприқдир. Шу билан бирга маънавий дунёсини бойитиш, ёш авлодни ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ҳам уларнинг ўрни аҳамиятли.

риш ишларини олиб бориш, чекка-чекка қишлоқлардаги маҳаллий аҳоли ва ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида кўча кўргазмалар ташкил қилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг Мирзачўл тумани "Космонавтлар ва чўлқуварлар" музей филиалини ташкил этишда маъмурият ва ходимлар томонидан амалий ёрдам берилди.

жон ва Зулфияхоним музей филиали илмий ходими Н.Муҳиддиновалар "Шухрат" медали, Шароф Рашидов ёдгорлик музейи ходими Ш.Ибрагимова мустақиллигимизнинг 26 йиллиги муносабати билан кўкрак нишони ҳамда тарих бўлими илмий ходими Г.Ҳақназарова "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ҳам тарих, табиат, санъат бўлимлари, Шароф Рашидов ёдгорлик филиали, Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним музей филиаллари ҳамда Зомин тарихи музейларидан ташкил топган бўлиб, жами 26 505 та экспонатлардан иборат.

Музей илмий ходимлари иштирокида 2021 йил 1 - 5 март кунлари "Аждодлар мероси бебаҳодир", 25 - 30 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан "Оламини маҳлиё айлаган диёр" мавзусида кўргазмалар, ноёб турдаги экспонатлар ҳақида маърузалар, илмий мақолалар ёзилиб, матбуот ва телерадиоканаллар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

1977 йил Москвада бўлиб ўтган 11 Халқаро музейлар конференциясида халқаро музейлар кенгашининг бош конференцияси тасдиқланган. Унга кўра, 18 май - Музейлар куни деб белгиланди. 1999 йилдан бошлаб эса юртимизда музейлар кунини нишонлаш Ўзбекистон маданий ҳаётининг муҳим воқеаларидан бирига айланган.

Мустақиллик йилларида музейлар соҳасини янада ривожлантириш тўғрисида юртбошимиз ва маданият вазири томонидан музейлар тўғрисидаги қонун ва бир неча қарорлар қабул қилинди. Бу албатта, музейларга берилаётган эътибор деб биламиз.

Бугунги кунда юртбошимиз томонидан музейларга жуда катта эътибор қаратилиб, ҳатто ходимларнинг камтарона меҳнатлари муносиб тақдирланипти. Жумладан, музей бош муҳофизига Ф.Мўминжонов, санъат илмий ходими М.Дўлиева, Ҳамид Олим-

Фурсатдан фойдаланиб, барча ўз касбига садоқатли, юртимиз музейларини тарихий ашёлар билан бойитиб, уларни кўз қорачигидек асраб-авайлаб келаётган, ноёб экспонатлар орқали фуқаролар, айниқса, ёш авлодда ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини тарбиялаш ҳамда қулайтиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келаётган фидойи музей ходимларини 18 май - Халқаро музейлар куни билан табриклайман. Доимо халқимиз ҳурматида ва ардоғида бўлинг!

**М.Т.ДЎЛИЕВА, Г.Н.МЕЛИЕВА,** Жиззах вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ходимлари

Кўрик-танлов

## "Энг яхши китобхон"



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси ижроси доирасида ёшлар маънавиятини юксалтириш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда "Энг яхши китобхон" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловнинг 4 босқичида 50 нафар ўқувчи "Ўзбек адабиёти билимдони", "Жаҳон адабиёти билимдони", "Буюк мутафаккирлар ва адиблар фаолияти би-

лимдони", "Шеърят билимдони" шартлари бўйича ўзаро беллашди. Асл мақсад - ёшларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқиши ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, жойларда адабий мухитни шакллантириш, китобхонликни ривожлантириш орқали уларнинг Ватанимиз тарихи, умуминсоний қадриятлар, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунча ва билим-қўникмаларини шакллантиришдан иборат. Танловда 17 нафар ўқувчи босқичлардан муваффақиятли ўтиб, раҳбарият томонидан шахримизнинг гўзал мас-

канларидан бири "Адиблар хиёбони"да тақдирландилар.

Маросимдан сўнг ўқувчилар хиёбондаги улуг шоир ва ёзувчилар Алишер Навоий, Зулфия, Ғафур Ғулум, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф кабиларни зиёрат қилиб, улар пойига гуллар қўйиши ва асарларидан парчалар ўқиши.

Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 7-синф ўқувчилари томонидан М.Юсуф шеъри билан айтиладиган "Қизғалдоғим" кўшиғига рақ тушишди. Сўнг "қизиқарли викторина" беллашуви ўтказилди. Унда шоир ва ёзувчилар асарлари юзасидан савол-жавоблар ҳам бўлди. Тўғри жавоб берган ўқувчилар раҳбарият томонидан тақдим этилган бадиий адабиётлар билан тақдирланишди.

**Саодат АБДУЛЛАЕВА,** Республика хореографияга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқитувчиси

Конференция

2021 йил 15 май куни Жиззах вилоят кўғирчоқ театрида республикамизнинг шу соҳада фаолият олиб бораётган мутахассислари иштирокида конференция ташкил этилди. У мамлакатимизда кўғирчоқ театри санъатини ривожлантиришнинг истиқболдаги вазифалари, ҳал этилиши керак бўлган муаммоларга бағишланди.

## Кўғирчоқ театри санъатини ривожлантириш йўлида



Конференцияни Жиззах вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Камол Фарходов очиб, йиғилишдан кўзланган асосий мақсад ва уни амалга оширишда иштирокчилар томонидан билдириладиган фикр-мулоҳазаларнинг аҳамияти катта эканлигини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг Жиззах вилоят ҳокимининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникация масалалари бўйича ўринбосари С.С.Раҳмонқулов конференция иштирокчиларини табриклаш билан бирга ҳозирги кунда давлатимиз томонидан маданият, санъат соҳасига берилаётган эътибордан руҳлангани, ҳар биримиз ушбу соҳа ривожланишига муносиб ҳисса қўшишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбир давомида Театр ва цирк санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи М.В.Аҳмаджанова "Республика кўғирчоқ театрида тарихий асарларга мурожаат", ЎзДСМИ кафедрани муҳити, доцент А.Абдухалилов "Давлат кўғирчоқ театрларида кадрлар масаласи", Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, миллий кўғирчоқ театри бош режиссёри Ш.Юсупов "Кўғирчоқ театри режиссураси", Хоразм вилояти кўғирчоқ театри директори Даврон Атабоев "Кўғирчоқ театрида маркетинг ва менежмент масалалари" мавзуларида маърузалар ўқишди.

Ҳар бир маъруза ҳозирги кун кўғирчоқ театри санъатида амалга оширилиши муҳим бўлган масалаларни ўз ичига олган бўлиб, унинг ечимлари бўйича ҳам аниқ таклифлар берилди. Шунингдек, маърузалар юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор Марям Ашурова, Самарқанд давлат кўғирчоқ театри директори Искандар Султонов, Жиззах вилоят кўғирчоқ театри режиссёри Акмал Тўраев, Фарғона вилояти кўғирчоқ театри директори Саиджон Мирзаев, Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театри бош режиссёри Мурод Бегимов, Бухоро вилоят кўғирчоқ театри директори Мурод Фатхуллаевлар ҳам уларнинг кўғирчоқ театри санъатидаги энг долзарб масалалар эканлигини, шунингдек, бу соҳадаги камчиликлари бартараф этиш бора-бора таклифларини билдиришди.

Конференция якунида бажарилиши лозим бўлган масалалар юзасидан келишиб олинди.

Хайрия концерти

“Жаз умидлари”



Бугун тарихий-маданий масканлар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг халқимиз, айниқса, ёшлар ҳаётидаги ўрнини оширишга эътибор қаратилаётгани бежизга эмас. Зеро, тарихни билмаган авлод келажакни аниқ тасаввур этолмайди. Ҳар бир халқнинг, миллатнинг илмий-маданий меросини ифода этувчи жонли тарихи ноёб музей ашёлари ва коллекциялари, экспозицияларида акс этади. Ана шундай нодир ёдгорликларни асраб-авайлаб,

келажак авлодларга мерос қилиб қолдиришда музей ходимларининг ҳам ҳиссаси катта.

18 май – Халқаро музейлар кунини муносабати билан Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейида “Жаз умидлари” номли хайрия концерти бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, “Jazzitama” жаз гуруҳи ва Ариа ижодий устахонаси,

Yamaha Tashkent ҳамда Ucell компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Ушбу муслиқий лойиҳада 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган иқтидорли болалар қатнашишди.

Барча ташриф буюрганлар жаз санъати жозибасидан баҳраманд бўлишди. Жаҳонга машҳур репертуарлари катта қизиқиш билан тингладилар. Ёш иқтидорлар қўллаб-қувватланиб, уларнинг маҳоратига юқори баҳо берилди.

“Биз – буюк юрт фарзандларимиз!”



## “Ёшлар фестивали” давом этмоқда

Мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида Тошкент шаҳрида “Биз – буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивали ўтказилмоқда.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурида белгиланган мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш доирасида ташкил этиб келинаётган фестивалда пойтахтдаги ёш йигит-қизларни рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг беш муҳим ташаббусини тарғиб этиш, ёш авлоднинг миллий қадриятимиз ва анъаналаримизга таянган ҳолда буюк аجدодларимизга муносиб ворис этиб камол топтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш, маънавий дунёқараши ва салоҳиятини янада мустаҳкамлаш каби мезонлар мазкур тадбирнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан ўтказиб келинаётган “Ёшлар фестивали”да ҳам бир қатор идора ва ташкилотлар, миллий гвардия, ҳарбий қисм жамоалари ҳамда муассасалар вакиллари иштирок этишмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йилнинг май ойида пойтахтдаги “Наврўз” маданияти ва истироҳат боғи ҳамда Юнусобод туманидаги Ботаника боғида “Ёшлар фестивали” тадбирлари кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда, аҳоли, айниқса, ёшлар учун кўплаб фойдали ва қизиқарли маҳорат дарслари, бадиий кўргазмалар, спорт тадбирлари, шунингдек, турли концерт дастурлари ташкил этилди.

Фестивалда Тошкент шаҳар маданият бош бошқармаси тасарруфидаги маданият марказлари ҳамда болалар муслиқа ва санъат мактабларининг иқтидорли ўқувчи-ёшлари фаол қатнашдилар.

Юқори савияда ўтказилган ёшлар фестивалида эл ардоғидаги санъаткорлар ҳамда ёш истеъодлар томонидан куй-қўшиқлар ҳамда рақслар ижро қилинди.

Шу каби қизиқарли тадбирлар пойтахт аҳолиси ва ёшлари учун мунтазам равишда ташкил этилиши режалаштирилган. Ташкилотчилар томонидан тадбирларнинг қизиқарли ва мазмунли ўтказилиши бўйича янги режалар устида изланишлар олиб борилмоқда.

Унутилмас кун

18 май кунини Бобохурасон маданият марказида 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан “Инсон азиз, қадрли муқаддас” шиори остида маданият фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди.

## Инсон азиз, қадрли муқаддас

Таклиф этилган меҳмонларни Маданият маркази директори ҳамда жажжи болажонлар қўлларига гуллар тутган ҳолда, кўтаринки руҳда кўтиб олишди. Тадбирда барча фахрий устозлар байрам билан табрикландилар. Шу билан бирга маданият ва санъат соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилиб, ўзидан унутилмас из, ёрқин хотира қолдирган марҳум устоз Ойтожихон Ҳамдамова ҳам алоҳида эсга олдилар. Сўнг маданият фахрийлари шарафига болажонлар ижросида концерт дастурлари намойиш этилди. Жумладан, маданият марказининг тўғрақ аъзолари ҳамда 6-умумтаълим мактаби ўқувчилари ажойиб рақслари, чиройли шеърчи чиқишлари билан устозларга бир олам қувонч ҳада этишди.

Шунингдек, юртбошимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббуси асосида “Ватан менинг нигоҳимда” номли расмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Унда амалий санъат тўғраги ўқувчиларининг чизган суратлари ва амалий санъат ишлари намойиш қилинди. Кўргазмага келган ота-оналар, ёшлар ранглар жилосидан бир олам қувонч олдилар. Фаол қатнашчилар фахрий ёрлик билан тақдирландилар. Кечга қадар давом этган кўргазма маданият марказига ташриф буюрган ҳар бир меҳмонни хайратлантирди. Ота-оналар фарзандларига шундай гўзал санъатни ўргатиб келаятган тўғрақ раҳбари Абдухоким Алимовга миннатдорлик билдирдилар.

Маданият марказида ўтказилган “Сочи узун



Давра суҳбати

## Мақом устозлари билан учрашув

16 май кунини Хоразм урфий мақомлари манбасини тартиблаш ва замонавий ёзувлар, тасвирлар, аудио ва видео ёзувларини қайтадан шакллантириш масалалари бўйича ҳудуд мақом марказида мақом санъати устозларининг навбатдаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда эришилган тажрибалар, мақом санъатининг эртанги кунини, ушбу санъат турига ёшларни қизиқтириш бўйича ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашилди.



санамлар” танловини ўтказишдан мақсад ҳам – ёшларнинг маънавиятини юксатириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда ўсиб келаятган қизларимизни ҳаётга тайёрлаш бўлди.

Кеча баҳс-мунозараларга бой ўтди. Унда доно ва чаққон қизларимиз барча саволларга аниқ жавоб бериб, шартларни аъло даражада бажардилар. Ҳакамлар ҳайъати қизларни баҳолашга қадар маданият маркази қошидаги тўғрақ аъзолари ўзининг жозибали рақслари билан барчага қувонч бағишладилар.

Танловда “Сочи узун санам” номинацияси бўйича 1-ўрин Маликахонга, “Энг уддабурон қиз” номинациясида 2-ўрин Шоҳидохонга, “Энг ширинсўз қиз” номинациясида 3-ўрин Афрузахонга насиб этди. Ҳолилар маданият маркази раҳбари томонидан фахрий ёрлик билан тақдирландилар.

Азиза МИРЗАЕВА,  
Бобохурасон маданият маркази  
директори

Эшлар - келажгимиз

**Завқли онлар**



Эшлар эртанги кунимизнинг давомчиларидир. Уларнинг буюк аж- додларимизга муносиб ворис бўла олишларига ишончимиз комил. Зе- ро, бунга бугунги ёшларнинг юз- кўзидаги шижоат яққол далилдир. Улар ғайратли, зукко ва жасур. Ва- танга муҳаббати, эртанги кунга бўлган ишончи юксак. Ўз олдига улкан мақсадлар қўйиб, маррани катта олган ёшларимиз Ватанимиз

эртасини ҳал қилувчи кучдирлар. Чирчак шаҳрида ўтказилган Эш- лар форумида эса ёшлар бирлашиб, ўзаро янада яқин бўлишди. Режа- лар, орзулар сари қадамлар ташлан- ди. Маданият вазирлиги томонидан ранг-баранг дастурлар, учрашувлар ташкил этилди. Уларга завқли онлар туҳфа қилинди. Минглаб ёшлар иш- тирок этган бу тадбирлар уч кун да- вомида барчанинг қалбига чексиз

шаўқу завқ улашди. Таниқли санъаткорлар бил- лан жўрликда қуйланган қў- шиклар ҳар бир ёшда ширин ор- зулар уйғотиб, унутилмас таас- суротлар қолдиргани шубҳасиз. Раҳбарларнинг ёшларни руҳ- лантирувчи ва уларни қўллаб- қувватлашга тайёр эканликлари борасидаги сўзлари улар учун кат- та мотивация бўлгани аниқ.

Кўзгу

Юртимизда ўзбек тилини ривожлантириш, унинг мавқеини янада мустаҳкамлаш, тил орқали мил- латга ўзлигини танитиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан биридир. Ҳатто хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимизнинг маданий ва тил ўзлигини сақлаб қолиш, уларнинг ўзбекона мада- ният, анъана ва қадриятларимиз руҳида тарбия топишига кўмаклашиш учун бир қатор вазирлик- лар билан ҳамкорликда веб-сайтлар яратилган. Бу борада Туркия давлатида ўқиб, яшаётган Саидбек Болтабоевнинг олиб бораётган фаолияти ёшларга ўрнатилган сифатида кўрсатишга арзигулик.

Саидбек Андижон вилоятининг Қорасув шаҳрида туғилган. Бугун унинг ўзбек тили борасидаги фикрлари билан қизиқдик.

# Она тилимиз – овозли байроғимиз!

– Чет элдаги фаолиятингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Беш йил давомида Туркия- нинг Истанбул университети- да докторантура таълимини ол- дим. Бу ерда муқаддас китоби- миз – Куръоннинг тилимизга илк таржималарида тил хусусиятла- ри, услуби бўйича тадқиқот олиб бордим. Натижада XI – XVI аср- лар оралиғида Куръоннинг тил- имиздаги 11 фарқли таржима- ни ва тафсирини аниқладик. Асо- сан Алишер Навоий ҳомийлигида Навоийга бағишланган таф- сирнинг XVI асрда ўзбек тили- га таржима қилингани бўйича хулосалар қилдик. Шунинг- дек, докторантлик йилларим- да ҳаммуаллифликда ўзбекча- туркча луғат тайёрладик. Она тил- имизнинг Туркияда тарғиб эти- лиши, ўрганилиши учун кўлимдан келганча ҳаракат қилдим. Док- торантурани тамомлагач, Тур- киянинг Карабук университети- да ўқитувчи сифатида иш- лаб бормоқдам. Университетим- из халқаро рейтингларда кучли мингталикка кириш билан бир қаторда халқаро фаолиятларга ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Ўзбекистон олийгоҳлари билан алоқалар ҳам жуда яхши йўлга қўйилган. Ҳозирда шу универси- тетда талабаларга туркий тил та- рихи йўналишида дарс ўтатиш- миз. Шунингдек, тилимизнинг тур- ли даврлардаги тақомили, яъ- ни исломдан олдинги ва кейинги вақт оралиғида тил хусусиятла- ри бўйича сабақ бериш билан бир қаторда илмий изланишлар ҳам олиб бораётган.

– Тил – миллат кўзгуси дей- шади. Бундан нимани ту- шуниш мумкин? Сиз- нингча, кўзгуда нима- ларни кўрсатиш мақсада мувофиқ деб ўйлайсиз?

– Бир халқнинг миллат эканини кўрсатувчи энг асосий омил тилидир. Мил- лат давомиёлигини таъ- минловчи, миллий онгни озиқлантирувчи унсур ҳам тилдир. Кишига бир мил- латга оидлик завқини бахш этади. Тил бирданга юза- га келиб, ўзидан-ўзи адабий тил бўлиб қолмайди. У мил- латнинг бошидан ўтказган бутун ҳодисаларини ўзида акс эттириб туради. Мил-

лат ўз тарихини унутиб юборса ҳам, тилдаги маълум хусусият- лар, сўзлар, мақоллар ўтмишни эмллатиб туради. Мисол учун бир- гина “Тангри” сўзини олайлик. Бу сўзнинг тарихан илк луғавий маъноси “кўк”, яъни “осмон” де- гани. Аждодларимиз осмондан келган турли табиат ҳодисалари билан бир қаторда самонинг улуғворлигини ҳис қилиб, барча- сининг сабабчиси кўкда улуғвор зот айнан кўкда, осмонда экани- га ишонган. Натижада тангри сўзи “осмон” маъносидан чиқиб, ос- монда эканига ишонилган улуғвор зот маъносига қўлланила бош- лаган. Кейинчалик “осмон” маъ- носини унутилиб, бутунлай “илоҳ” англашувини ифода этган. Ле- кин ҳозирда ҳам халқ орасида диний тушунчаларнинг осмон- га боғлиқ жиҳатлари жуда кўп. Айтмоқчиманки, тил миллатнинг нафақат руҳи ва дунёқараши, балки маданияти ва ўтмишининг ҳам кўзгусидир. Кўзгу аслият- да нима бор бўлса, ўшани акс эттиради. Агар кўзгуда товла- ниб, кўз қамаштириб туриши- ни хоҳласангиз, унга турли жо- ло ва безак берасиз. Жило ва без- ак – энг аввало, муҳим деб би- либ, унга сармоя ажратиш дега- ни. Сиз унга вақт ва сармоя аж- ратмасангиз, эътиборсиз қолиб кетади. Қаровсиз, парварши- сиз нарса кўзгуда қандай кўри- ниши мумкин? Албатта, унга эъти- бор ва пардоз бир мартагина эмас, да- вомли ва тизимли йўлга қўйилса, кундан-кун чирой очади. Ўзига ишончи ортади, натижада куч- қувватга тўлади.

– Ўзбек тили тарғиботида асосий кучни қандай амалий

ишларга сарфлаш ўринли?

– Биз дунёга она тилимизнинг деразасидан қараймиз, она тилимиздаги хусу- сиятлар билан дунёни, коинотни ўлчаймиз. У бизнинг қўл билан тутиб бўлмас овозли байроғимиздир. Тур- ли халқаро майдон- ларда давлатимиз байроғини кўрсак, се- винамиз, мадҳиямиз янграса, ғурурланамиз. Она тилимиз ҳам шун- дай, бизнинг овозли байроғимиздир. Дав- лат рамзига қандай эъ- тибор кўрсатилса, тил ҳам ана шундай ҳурматга сазовор. Халқаро миқёсда эътироф этилиб, ҳурмат қозониши албатта киши- га ифтихор беради. Лекин буни, аввало, ички миқёсдан бошлаш ўринли. Она тилида таълим олиш- ни тизимли йўлга қўйиш биринчи галдаги вазифа. Ўзингиз оила ичи- да бошқа тилда сўзлашиб турсан- гиз, фарзандга боғчадан олий таъ- лимгача тизимли она тили шу- рини ҳис эттира олмасангиз, ҳар қанча тилни тарғиб қилсангиз ҳам, фойдаси бўлмайди. Тили- миз тарихийлиги, кучли адаби- ёт ва маданият тили бўлгани, ун- да Юсуф Хос Ҳожиблар, Навоий- лар ўлмас асарлар қолдиргани билан фахрланишнинг ўзи тарғибот- бўла олмайди. Ҳўш, шундай аж- додлар етишган экан, тилин- гизда шундай ажойиботлар яра- тилган экан, сиз бу асарларни тўғри тадқиқ эта оляпсизми? Ўз миллатингиз нуқтасида на- зар аратган адабий тилни даврга мос равишда ривожлантириб борапсизми? Аждодларнинг утуқлари, шубҳасиз, биз- га ғурур бағишлайди, лекин шу билан бир қаторда бизга масъулият беради, шундай бўлиши ҳам керак. Она тили- миз тарғиботини ўзимиздан бошлаш, тилда равон сўзлаша оладиган насл етиштиришга йўналиш мақсада мувофиқ деб ўйлайман.

Эътибор берсак, халқ тили билан адабий тил орасида ма- софа очилиб бормоқда. Нати- жада халқимиз ҳар қандай ада- бий манбадан узоқлашмоқда. Қисқаси, тил тарғиботини ўз



Жамиятнинг маданий ха- зиналаридан фойдаланиб, бутун инсоният учун муш- тарак бўлган маданият ум- монига тўқилади. – Сиз яшаётган мамла- катда ўзбек тили ва дав- лати ҳақида қанчалик билишади? Бу борада сиз нима ишлар қилган бўлардингиз?

халқимиздан бошлаш, уларга она тилида таълим олиб, иш фаоли- тини бемалол, тўсиқсиз юритиши- га ишончи орттириш ўринлироқ деб ўйлайман.

– Тилнинг миллат тақдирига таъсири ҳақида фикрингиз...

– Ўз тилига эга миллат – ҳаёт булоғи қайнаб турадиган миллат дегани. Тил тирик ва жонли, ян- ги сўз ва шаклларни ясай олади- ган, замон оқимида мос атамалар ярата оладиган бўлса, борлигини давом эттиради. Йўқса, аввало, миллатнинг адабиёти йўқ, кейин- чилик маданияти, бора-бора ўзи йўқ бўлади. Бугун дунёда давлат ва адабий тил даражасига эриш- ган тиллар сони кўп эмас. Тили бу даражага эга бўлолмаган мил- латлар эса йўқ бўлиб кетиш ҳав- фи остида. Тарихда юзлаб тиллар мана шундай жараён остида йўқ бўлиб кетди. Бирор миллатнинг қурган давлати таназзулга юз ту- тиб, мустамлака қилинса ҳам, тили сақланиб қолган тақдирда тарих сахнасидаги ўз ўрнини қайта тиклаганини кўраемиз. Ҳар қандай шарт-шароитда она тили- да сўзламай, бошқа тилларни кун- далик ҳаётда ишлатадиган мил- латларнинг қурган давлати ҳам тарих сахнасида ўчиб кетган. Бундай хатога йўл қўйган миллат тақдирда тутқун бўлиб яшайдан бошқаси бўлмайди.

Тилни мамлакат бўйлаб оқувчи дарёга ўхшатиш мумкин. Дарё бутун юртга ҳаёт бахш этар экан бошқа томондан ўша мамлакатда- ги катта-кичик сой ва ариқлардан озиқланиб, янада кенгайди. Тил ҳам шундай миллатга ҳаёт бахш этади, жойлардаги катта-кичик манбалар орқали бойиб боради.



Санобар ҚУЛМИРҚАСИМОВА сўхбатлашди.

Байрамлар оғушида


Кўхна ва навқирон Нурота



Саломатлик бекати

Хотира билан боғлиқ муаммолардан бугунги кунда деярли ҳамма арз қиялпти. Кўлқоп ёки қўл телефонини қаерга қўйганингизни эслолмасангиз, майли-ку-я, лекин куни кеча содир бўлган воқеа-ходисаларни унутиб қўйсангиз, бу – ёмон.

# “Доктор, хотирам сусайган!”



Жиддий ҳамроҳ касалликлар борлигидан далолат берувчи яна бир хавфли аломат – яқиндагина олинган маълумотни эслаб қолишга қийналиш. Бу машҳур латифани ёдга солади:

- Доктор, хотирам сусайган.
  - Қанчалик?
  - Нима қанчалик?
  - Сусайиш, бемор, сусайиш.
  - Қайси сусайиш?
- Афсуски, ҳаётда шунга ўхшаш вазиятлар ҳаётда туради. Кўпинча хотира сусайиши қуйидаги касалликларда қайд этилади:

**Бош жароҳати**  
Жароҳат қанча оғир бўлса – хотира шунча ёмонлашади. Жиддий бош-мия жароҳатларига эса нафақат хотира пасайиши, балки эс-хушни йўқотиш (амнезия) ҳам хос.

**Нима қилиш керак?** Неврологга мурожаат этиб, бош мияни МРТ қилдириш даркор.

**Рухий бузилиш**  
Масалан, Корсаков синдромида ҳозирги воқеа-ходисаларни эслаб қолиш (фиксацион амнезия) имконияти йўқолади. Сохта хотиралар юзага чиқиши мумкин.

**Нима қилиш керак?** Психиатрга мурожаат этиб, текширувлардан ўтиш лозим.

**Мия томирлари атеросклерози**  
Бош мияда қон айланиши бузилганда мазкур аъзоннинг барча бўлимларига қон келиши камаяди. Натияжада хотира ёмонлашади, диққат-эътибор сусайиб, бош оғриги, жиззакилик ва чарчоқ кузатилади.

**Нима қилиш керак?** Неврологга кўришиб, холестеринга қон таҳлили топшириш, мия томирлари текширувидан ўтиш зарур.

**Қанди диабет**  
Мазкур хасталикда қон томирлари азият чекади: йирик томирлар девори

қалинлашиб, кичик томирлар бутунлай бекилиб қолади. Натияжада мияга қон етарли миқдорда бормайди.

**Нима қилиш керак?** Эндокринологга учраб, қандаг қон таҳлилни топшириш талаб этилади.

**Альцгеймер касаллиги**  
Бу бош миядаги дегенератив тузалмас дард бўлиб, секин-аста хотира пасайиши ва ақл сусайиши билан кечади. Кўпинча 60 ёшдан кейин юзага келади. Баъзан беморнинг ҳозир билан ўтмиши ўрин алмашади.

**Нима қилиш керак?** Биринчи гумон пайдо бўлган заҳоти неврологга учрашиш керак. Муолажа қанча эрта бошланса, касаллик шунча енгилроқ кечади.

**Қалқонсимон без хасталиги**  
Бу 65% йоддан иборат бўлган гормонларни (гипотиреоз) етарли миқдорда ишлаб чиқармаслик билан боғлиқ. Хотира пасайишидан ташқари беморда тана вазни ортади, куч-қувватдан қолади, депрессия, лоқайдлик, жиззакилик намоён бўлади. Шиш ва мушакларда заифлик келиб чиқади.

**Нима қилиш керак?** Эндокринологга кўришиб, қалқонсимон без гормонларига қон таҳлиди топшириш, УТТ қилдириш керак. Йод танқислиги профилактикаси учун – таомномага йодланган туз ва сут маҳсулотлари, денгиз карами ва денгиз балиғи, хурмо, қаттиқ пишлоқ ва ёнғоқларни киритиш лозим.

**Остеохондроз**  
Агар умуртқанинг бўйин соҳасида чурра бўлса, мия қон етишмовчилигидан қийналади.

Хотира ёмонлашиши – ҳамир учидан патир. Вақт ўтиши билан бўйин остеохондрози инсультни ҳам келти-

Жорий йилнинг 18 май Навоий вилояти Нурота тумани аҳли учун байрамлар кuni сифатида эсда қолиши аниқ. Сабаби ҳали биринчи байрам тадбири тугаб улгурмасдан иккинчи айёмнинг ула-ниб кетиши улар учун кутилмаган совғадек бўлди.

Чашма меъморий мажмуаси яқиндаги амфитеатр ўз бағрида илк бор катта гала концерт шоуси ва “Маънавиятли ёшлар” фестивалини ўтказди. Туман аҳолиси бундай ташаббусни кўтаринки кайфиятда қарши олиб, маданий

хордиқ чиқардилар. Концертда маданият бошқармасининг фольклор жамоаси ҳамда вилоятнинг энг кўзга кўринган хонандаю созандалари ва Нурота маданият маркази ўқувчилари ўзларининг ажойиб куй-қўшиқлари билан иштирок этиб, ташриф буюрган томошабинларнинг кўнгиллини кўтаришди.

Навоий маданият бошқармаси ахборот хизмати

риб чиқариши мумкин. Бир-бир бош оғриги, қўл бармоқларининг увушиши кузатилиб туради.

**Нима қилиш керак?** Вертебологга учраб, бўйин соҳасини МРТ қилдириш, сузиш, даво гимнастикаси билан шуғулланиш даркор.

**Депрессия**  
Доимий хавотир хотирани ниҳоятда ёмонлаштиради. Тушқунлик, лоқайдлик, мулоқот қилишни хоҳламаслик келиб чиқади.

**Нима қилиш керак?** Психотерапевтга мурожаат этинг.

**ХОТИРАНИ МУСТАҲҚАМЛАШ САРИ 4 КАДАМ**

**Дунё бўйича 8 миллионга яқин одам хотира ёмонлашишига дучор бўлмоқда.** Кўпчилик бу жараёни ёшга оид муаммолар билан боғлаб, унчалик аҳамият бермайди. Аммо мутахассислар ўшбу нуқтани назарга қўшилишмайди. Улар фикрича, ёш ўтган сари соғлом одамнинг когнитив (билиш) функцияси бирдан ёмонлашиши мумкин эмас.

Мия иш қобилияти бузилишининг олдини олиш учун шифокорлар қуйидагиларни маслаҳат беришади:

**1 Кўпроқ ўйланг ва эслаб қолинг**

Тадқиқотларга кўра, умри давомида ақлини кўп ишлатадиган одамлар бу каби дардларга камроқ чалинишар экан. Чет тилларини ўрганиш, бадий адабиётларни ўқиш, бошқотирмаларни ечиш мия ва билим олиш жараёнларини рағбатлантиради. Кекса ёшдаги кишилар учун неваралар билан мулоқот қилиш, ўй вазифалари-

**Мияни ишлатинг!**

Ўқувчилик ва талабалик йилларида миямизни кўп зўриқтириб қўйганмиз: шёър ва қондаларни ёдлаганмиз, назарияларни тушунмасдан эслаб қолишга ҳаракат қилганмиз, хорижий сўзларни ўрганганмиз, баёнлар ёзганмиз. Лекин улғайган сари бунга ташлаб қўйганмиз. Ахир хотира доимий шуғулланишга муҳтож. Уланд бериб қўймасин десангиз, шёър ёдлаш, кроссвордлар ечиш, бирорта янги нарсани ўрганишдан эринманг.

Жумбоқлар, кроссвордларга меҳр беринг, пазлларни йиғинг, диққат-эътиборни оширувчи машқларни бажаринг – буларнинг бари мия учун ажойиб машғулот. Компьютер ўйинларига бепи-санд бўлманг. Жумладан, расмли варақлар очилиб-ёпилгач, жуфт-тини топишни таклиф қилувчи «жуфт-тини топинг» классик ўйини жуда фойдали. Негаки у миянинг хотира учун муҳим бўлган чакка соҳаси ва гиппокампага таъсир ўтказади. Дарвоқе, буларнинг ҳаммасини болалар билан биргаликда бажариш мумкин.

Умуман, шифокорларнинг фикрича, хотира билан боғлиқ муаммолар – диққат билан боғлиқ масалалар. Шундай экан, эътиборни жамлашни ўрганинг. Бунга эришиш учун ҳар қандай ишни автоматик равишда эмас, фикрни жамлаб бажаришга одатланинг.

ни биргаликда бажариш, ўқиш, янги материалларни ўрганиш ва шунчаки гаплашиб ўтириш ажойиб профилактика вазифасини ўтайди.

**2 Спорт билан шуғулланинг**  
Мунтазам жисмоний машқлар, ҳатто оддий пиёда сайр қилиш ҳам қон томир тизимида микроциркуляцияни яхшилайди. Бу ўз навбатида бош мияга ижобий таъсир кўрсатади.

**3 Тўлақонли овқатланинг**  
Балиқ, ёнғоқ, авокадо, секин сўрилувчи углеводлар (ёрма-лар, макаронларга эътиборсиз бўлманг. Тез сўрилувчи углеводларни (шоколад) эса, яхши-

ми, мияни тез ишга солиш зарур бўлган вазиятларга олиб қўйинг.

**4 Қон босимини назорат қилинг**  
Шифокорлар гипертоникларга мия фаолияти бузилиши профилактикаси учун ҳар куни қон босимини назорат қилиб туришни ҳамда тегишли дори воситаларини қабул қилишни маслаҳат беришади.

Зарур ҳолларда хотирани дори препаратлари ёрдамида қучайтириш мумкин. Улар мияда қон айланишини меъёрга солиб, бош мия ишини яхшилайди. Бирок уларни фақат шифокорини тайинлаши мумкин.

**Дарвоқе**

Ақлий қобилият 20 – 22 ёшларда энг юқори чўққига етади. Шундан кейин эслаб қолиш тезлиги ёки ўрганиш қобилияти секинлашади, лекин йўқолмайди. Агар одам хотира сусайиши муаммосига дуч келса, бунга турли омиллар сабаб бўлиши мумкин.

- Масалан:
- стресс диққат-эътиборни сусайтиради, миянинг иш-лашига ҳалақат қилади;
  - В12 витамини танқислиги;
  - парҳезда одамлар ўз организмни миянинг тўлақонли ишлаши учун зарур бўлган моддалардан мосуво қилади;
  - гипертония;
  - тебранма аритмияда миянинг кислород билан таъминлашида муаммолар юзага келади;
  - мияда қон айланиши бузилишига атеросклероз ёки бош мия қон томирлар спазмлари сабаб бўлиши мумкин.

**Паришонхотирлик!**

Стресслар, ҳолдан тойиш, уйқуга тўймаслик, тоза ҳаво етишмаслиги, чекиш, алкогольга ружу қўйиш, айрим дори-ларни тез-тез қабул қилиш (айниқса, оғриқсизлантирувчи, тинчлантирувчи ва уйқу дори-лар), витамин танқислиги кўпинча хотирани ёмонлаштиради. Бироқ тўғри овқатланиш, ухлашга эрта ётиш, кўпроқ пиёда юриш ва спорт билан ошно тутинсангиз, бу муаммодан кутуласиз.

Дарвоқе, нафақат зарарли егуликлар, балки ортиқча юкломани ҳам чеклаш лозим. Ҳар қандай толиқиш (ҳам жисмоний, ҳам руҳий) эслаб қолишга салбий таъсир кўрсатади, шу боис ишда кўпроқ танаффус қилинг, ҳаракатда бўлинг ва уйга иш кўтариб келманг.

Ортиқча маълумотни ҳам чекланг. Чунки ортиқча ахборот маълумотларни юзаки қабул қилишга олиб келади. Шундай экан, агар эрталабдан кечгача Интернетда ўтирсангиз ёки телевизор томоша қилсангиз, бечора миянгиз диққатни жамломай қолади ва муҳим воқеа-ходисаларни унутади. Ҳеч бўлмаса бир кун қўл телефони ёки планшетдан “дам олинг”. Кечаси телевизор ёқмасликка ўзингизни мажбурланг. Шунда кунингиз узайиб, ҳаётингиз нақадар осудалашганини кўрасиз. Яқинларингизга ҳам кўпроқ вақт ажратасиз.

Шоҳида ИСРОИЛОВА

18 май - Халқаро музейлар куни

**Маданий қиёфамиз**



Музейлар – аждодлардан бизга мерос қолган бойликларни келажак авлодга етказиб берадиган илмий, маънавий-маърифий хазина бўлиб, ўтмиш ва бугун ўртасидаги кўприк вазифасини ўтади. Шу билан бирга музейлар мамлакатнинг маданий қиёфасини кашф этишда ҳамда халқимиз ўзлигини намоён қилишда катта аҳамиятга эга.

Ўз навбатида музейлар аждодларимиздан бизгача етиб келган маданий меросимизни асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш ҳамда меҳр-оқибат туйғуларини кучайтириш, мардлик, ҳалоллик, умуминсоний ва миллий қадриятларни ёшларимиз онгига синдириш, аждодларимиздан бизгача етиб келган номоддий маданий меросга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. 18 май – “Халқаро музейлар куни” мамлакатимизда ҳам кенг нишонланмоқда. Шу кун муносабати билан республикамизнинг барча музейларида очик эшиклар куни ўтказилмоқда.

Жумладан, Термиз археология музейида

ҳам “Музей – тарих кўзгуси” мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда боғча болалари иштирок этишди.

Шунингдек, музей ходимларини табриқлаш учун “Миллий тикланиш” демократик партиясидан вакиллар ташриф буюришиб, ўзларининг самимий сўзлари билдириши ва эсдалик совгаларини топширишди.

**Моҳигул Халилова,**  
Сурхондарё вилояти маданият бошқармаси ходими


Табиатнинг нодир неъмат

**Искандар Зулқарнайн зиёрат қилган ғор**

Ғорлар пайдо бўлишига кўра, сунъий ва табиий турга ажралади. Сунъий ғорлар асосан инсон қўли билан яратилади. Яъни ер тағидаги маъданларнинг кўп йиллар давомида қазиб олинishi туфайли ҳосил бўлади. Бундай ғорларни Кўхитангтоғ ғарбий ён-бағри, Сурхонтоғнинг айрим жойларида учратиш мумкин.

Табиий ғорлар эса эрувчан тоғ жинслари – оҳақтош, доломит, гипс, ангидрит ва туз тарқалган ерларда сув таъсирида юзага келади ва улар геологияда карстланувчи жинслар деб аталган.

Эрувчан тоғ жинслари мавжуд жойларда ғорлар пайдо бўлиши учун бир қанча шарт-шароитлар бўлиши шарт. Жумладан, улар орасига сув қира олиши учун майда ёриқлар, жинслар эриши учун сув ҳарорати юқори ва ис газига тўйинган бўлиши, шунингдек, сувлар шу ёриқларга сингиши ва жинс қатлами қалин ҳамда катта бўлиши керак. Юқоридаги шароитлар мавжудлигидагина улкан табиий ғорлар бунёд бўлади ва бу жараён туфайли фақат ғорларгина пайдо бўлиб қолмай бошқа рельеф шакллари ҳам юзага келади.




Сув ер бағрига сингиб борар экан, эрувчан тоғ жинсларининг бир қисмини эритиб, ғорлар ичига олиб тушади ва хилма-хил ҳажмдаги ҳайвон, гул шаклларига ўхшаб кетувчи ўсимталар ҳосил қилади.

**Искандар Зулқарнайн зиёрат қилган ғор.** Бу кўп вақтлардан буён сайёҳлар ва олимларни ўзининг беқиёс гўзаллиги ва улканлиги билан жалб қилиб келаятган машҳур Қарлуқ (Ҳошимўйиқ) ғоридир. Кўхитангтоғнинг ғарбий ён-бағрида Қарлуқ қишлоғидан 12 км. шарқдаги ғорнинг номи узоқ вақтларгача Қарлуқ деб аталарди. Кейинги текширишлар натижасида яна бир неча йирик ғорлар борлиги, уларнинг катталари Қопкўтон, Тошжорак деб номланиши, адабиётда Қарлуқ ғори деб юритилганини маҳаллий аҳоли Ҳошимўйиқ деб аташи аниқланди.

Ҳошимўйиқ ғори тарихдан яна бир нарса эътиборга моликдир. У биринчи марта милoddан аввалги 329 йилда Искандар Зулқарнайн Ўрта Осиёга бостириб кирган вақтда унинг лашкари сафида бўлган юнон олимлари томонидан тилга олинган. Ҳошимўйиқ ғорининг яна бир ажойиб хусусияти – хилма-хил шаклдор, улкан ва гўзал сталактит ва сталагмитлар мавжудлигидир. Сталактит – музсимон шаклга эга бўлган калсит томчилар – “Томчи шаклланишлар” деб аталади. Аммо вужудга келишининг бошқа механизмлари, яъни муз, гил, гипс, туз, лава сталактитлари ҳам мавжуд.

**Тахмина БЕГМАТОВА,**  
музей ходими

Мозийдан садо



**Жаҳоннинг ноёб тангалари**

Салжуқийлар – Хуросон, яқин ва Ўрта Шарқ, Кичик Осиё, қисман Мовароуннаҳрдаги бир неча давлатларда ҳукмронлик қилган туркий сулола (1038-1308). Сулола номи чорвадор туркий қавм – ўғузлар бошлиғи Салжуфек ибн Дўқак номидан олинган. Сулолага Салжуқнинг невараси султон Тўғрулбек асос солган.

Сирдарёнинг қуйи оқими – Жанд шаҳар атрофлари (ҳозирги Навоий вилояти ҳудуди)да яшаган ўғузлар Салжуқ бошчилигида ислом динини қабул қилишган. Салжуқнинг вафотидан сўнг улар Нурота атрофларида жойлашган. Маҳмуд Газнавий Амударёдан ўтиб, Бухорода бораётганда салжуқларнинг йўлбошчиси амир Арслон (Исроил)ни қақриб, уларга Бухородан Хуросонга кўчишни буюрган. Тарихчи Жузжонийнинг ёзишича, 4000 ўтовли салжуқлар Яғмур, Буғ, Кўктош, Қизил, Мансур, Анас ўғли каби амирлар бошчилигида Амударёдан ўтиб, Хуросоннинг Сарахс, Обивард, Фарова, Нисо, Данданакон каби турли мавзеларида кўнум топганлар. Қорахонийлар билан газнавийлар ўртасидаги курашдан фойдаланган Салжуқ ҳарбий кучларини бирлаштириб, аста-секин Хуросонни эгаллаб, салжуқийлар давлатини барпо этган. Кейинчалик бу давлат жаҳондаги энг қудратли салтанатлардан бирига айланган.

Буюк салжуқийлардан Тўғрулбек, Алп Арслон, Маликшоҳ, Санжар даврларида иқтисодий ва маданий ҳаётда катта кўтарилиш юз берган. Хунармандчилик тараққий этган: тўқимачилик, кулолчилик, заргарлик, ойнасозлик, темирчилик, кўнчилик ва гилам тўқиш ривожланган. Буюк ипак йўли улкан салтанатнинг марказий шаҳарлари орқали ўтган. Шарқий Европа, Византия, Хиндистон, Хитой мамлакатлари билан савдо

алоқалари гуркираб ривожланган. Маликшоҳ Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо-нон жонлантириш учун Хуросон ва Ироқ савдогарларини бож тўловидан озод қилган. Каспий денгизи орқали Туркистонга нефть маҳсулотлари келтирилган. Ички савдо ҳам ривожланган. Мамлакатда соф олтиндан зарб этилган динор (қизил динор) жорий этилган. Бундан ташқари, маҳаллий динор (руқний) ва мис дирҳамлар ҳам бўлган.

Марказий Осиё ҳудудида X-XI асрларда ҳукм сурган салжуқийларнинг кумуш тангалари ниҳоятда кам учрайди. Масалан, Жанубий Туркменистонда 1884 йилдан 1946 йилгача бор-йўли 6 дона салжуқийлар кумуш тангаси топилган ва рўйхатга олинган. 1960 йилда воҳамизнинг Мунчоктепа ёдгорлигидан топилган кумуш тангалар хазинасида Султон Санжар кумуш динори катта аҳамиятга эга. Хазинанинг умумий оғирлиги 85 грамм келадиган тангалар ва синиқ тангалардан иборат. Ушбу кумуш тангалар Марв, Балх ва Ҳирот зарбхоналарида Султон Санжар номи билан зарб этилган. Тангалар асосан халифалар ал-Мустазхир (1094-1118), ал-Мустаршид (1118-1135), ал-Муктафий (1136-1160)лар даврига тўғри келади...

Энг аҳамиятлиси шундаки, Марвда зарб этилган Султон Санжарнинг кумуш динорлари Султон Муҳаммад ибн Маликшоҳ ва Султон Санжар номи билан битилган. Зотан, Салжуқийларнинг кумуш тангалари жаҳон нумизматикасида

ноёб тангалар сирасига қиради. Масалан, салжуқийлар тарихини ўрганган тангашуно олим Ёен Пул Британия музейида чоп этилган туркман сулоалари тангалари каталогига “Буюк салжуқийлар”нинг фақат 22та тангасини (20та олтин ва 2та кумуш) киритишга муваффақ бўлган. Бошқа бир тангашуно А.К.Марков эса Эрмитажда сақланаётган 77 та салжуқийлар тангасини рўйхатга олиб, мусулмон тангалари каталогига киритган. Аммо улар орасида бирорта ҳам на олтин, на кумуш тангалар бор.

Қумқўрғондан топилган Султон Санжарнинг кумуш динорида Куръон оятлари битилганлиги, ёзув услуби ва тайёрлаш маҳорати, нафислиги билан алоҳида ажралиб туради.

Танганинг оғирлиги 2,78 граммни, диаметри эса 2,3 см.ни ташкил этади. Унинг орқасида калима, халифа ал-Мустазхир (1094-1118) ва Султон Муҳаммад ибн Маликшоҳ номлари битилган. Реверсида Куръоннинг Бақара сурасидан 256-оят: ...Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлади. Бас, ким шайтонни (ёхуд бутларни) инкор этиб, Аллоҳга имон келтирса, демак, у бузилмас, ишончли ҳалқани тутибди. Аллоҳ эшитувчи ва билувчи” деб ёзиб қўйилган.

Куръон оятидан сўнг Султон Санжарнинг исми ва унвонлари битилган. Унинг унвони дабдабали “Султон” ёки “Шаҳаншоҳ” унвонлари ўрнига нисбатан камтарона “Шарқ ҳукмдори” деб ёзиб қўйилган.

Қумқўрғондан топилган Султон Санжарнинг кумуш динорлари ва тангалари хазинаси археолог Л.Альбаум томонидан топилган бўлиб, академик Э.В.Ртвеладзенинг гувоҳлигига кўра, ЎзРФАга қарашли Тарих институти фондига топширилган. Кейинчалик Археология институти фондига ўтказилган ва хозиргача ўша ерда сақланмоқда.

**Н.АЛИҚУЛОВА,**  
“Термиз” давлат музей-қўриқхонаси катти илмий ходими



Ташаббус  
**Янги ўқув йилига тайёргарлик**



18 май куни Хоразм вилояти маданият бошқармаси бошлиғи Хамиджон Сапаев Урганч ихтисослаштирилган санъат мактабида бўлиб, дарс жараёнлари, битириув имтиҳонлари, мактаб фаолиятига доир ишлар билан яқиндан танишди.  
Ташриф давомида ўқитувчи педагоглар билан соҳани янада ривожлантириш бўйича суҳбатлашилди, келгусидаги режалар тингланди, шунингдек,

таклиф ва мулоҳазалар юзасидан фикр алмашилди.  
Муסיқий-назарий фанларни ривожлантириш, дарсни тўғри ташкил этиш, мактаб фаолиятида миллий мақом кўй ва кўшиқларини ёшларга ўргатиш бўйича режали ишларни йўлга қўйиш борасида ҳам тавсиялар берилди. Келгуси ўқув йилига алоҳида тайёргарлик кўриб, юқори савияда иш ташкил этиш, бунинг учун жараёнга ҳозирдан кири-

шиб, балки муסיқа ва санъат мактаблари билан ҳамкорликда иш олиб бориш режа қилинди.  
Бундан ташқари, мактабда фаолият олиб бораётган кўп йиллик малакага эга устоз-мураббийларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, устоз-шогирд аънадаларини мустаҳкамлаш бўйича топширилган берилди.  
Хоразм вилояти Маданият бошқармаси ахборот хизмати

Тарих силсиласи

Юртимиздаги ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг ўзига хос тарихи бор. Фарғона шахрининг ўтмишига назар ташлар эканмиз, кўплаб эътиборга молик воқеалар юз берганига гувоҳ бўламиз.

# Фарғона шахри ўтмиши

1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ҳудудига Фарғона вилоят генерал-губернаторлиги ташкил этилди ва у Россия империясига қўшиб олинди. Қўқон шахрида янги ҳукумат маъмурияти, ҳарбий ва фуқаролик идоралари билан бирга православ черкови, ҳарбийлар ва мансабдор шахслар учун хонадонлар, омборхоналар, чакана савдо дўконлари, казарма ҳамда касалхоналар ташкил қилинди. Шу тарихқа собиқ хон - Худоевнинг ўрдаси русларнинг ҳарбий қалъасига айланди. Туркистоннинг Россия босиб олган бошқа муҳим шаҳарларидан фарқи ўлароқ, Ўрта Осиёда Тошкентдан кейинги йирик шаҳар - Қўқон, бирдан оддий уезд марказига бўлиб қолди.

Фарғона вилоятининг биринчи ҳарбий генерал губернатори М.Д.Скобелев Туркистон губернатори К.П.Кауфманга мактуб йўллаб, янги вилоят маркази ташкил этишни таклиф қилди. Ва уни бир неча мулоҳазалар билан асослаб берди; биринчидан, Қўқон шахри катта ва бинолар ўта зич қурилган, иккинчидан, у жойлашган ҳудуд жуда шамолли ва чангли, учинчидан, иқлими нуқулдайди.

Фон Кауфман М.Д.Скобелев ва бошқа мансабдор шахслар таклифи, ўрданинг санитария ҳолати ва иқлими тўғрисидаги ҳисоботларни инобатга олиб, Фарғона вилояти марказини бошқа, қулайроқ жойга, яъни Марғилондан бир неча километр узоқликдаги, Марғилонсойнинг юқори қисмидаги ҳудудда, Европа услубида қурилишини белгиледи. Бу жой яхшироқ иқлимга эга бўлиб, ичимлик суви билан ҳам таъминланган ва Қўқонга нисбатан санитария ҳолати тузукроқ эди. Фарғона вилояти марказини қуриш лойиҳаси 1877 йил 18 июнда Туркистон губернатори К.П. фон Кауфман томонидан тасдиқланди. Бўлажак шаҳарга "Янги Марғилон" деб ном бериладиган бўлди.

Шаҳар қурилиши қатъий режа асосида амалга оширилди. Аввалам бундан кейин...

дон кварталга бўлиниб, унда маъмурий ва турар-жой биноларининг қурилиши режалаштирилди. Шу билан бирга, ҳар бир кварталда 10 дан 15 тагача ҳовли ва фуқаролик идоралари билан бир ҳовли учун 500 квадрат метрга яқин ер участкаси ажратилиши белгиланди.  
Энг аввал ҳарбий маъмурият ва жамоат бинолари қурилишига эътибор қаратилди. Қолган бўш ерлар турар-жой биноларини қуриш учун хусусий шахсларга берилган.

1877 йилнинг ёзида вилоятни бошқариш идораси, почта, телеграф, губернаторнинг ёзғи яшаш жойи ва губернатор ёрдамчисининг уйи қурилиши бошланди, 155 миң рублга яқин маблағ ажратилди. Жараён тез ва жуда муваффақиятли амалга оширилиб, 1878 йил 19 апрелда Ф.Н.Кауфман Фарғона вилоят ҳарбий губернатор уйи ва маъмурият идорасини Қўқондан Янги Марғилонга кўчиришни буюрди.

Янги Марғилоннинг қурилишини тажрибали ва истеъдодли архитектор И.А.Леханов назорат қилиб борди. Унинг лойиҳаси бўйича Тошкентдаги энг аҳамиятли бинолар қурилган.


Ҳаражатларни камайтириш учун шаҳар атрофида пишиқ гишт ишлаб чиқариш заводлари ташкил этишга қарор қилинди. Тадбиркор Г.И.Петров шаҳар чеккасида қурган заводнинг дастлабки маҳсулоти 1879 йил охирида ишлаб чиқарилди. Кейин бундай корхоналар сони ортиб, тез орада йилга 300 миң донага яқин гишт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Беш йил ўтгач, бу рақам

икки баробарга кўпайган. Заводлар гиштни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ёқилғи-кўмир етишмаслиги сабабли қийинчиликка дуч келишди. Кўмир ўрнига Езёвон даштидан ҳар куни камида юз бойлам тикан олиб келинади.

Сугориш ишлари масаласини ҳал этиш катта тажрибага эга бўлган капитан-топограф М.Д.Жилинга топширилган. У ўз навбатида марғилонлик мироб А.Султоновни ҳамкорликка жалб қилди. Улар бирга шаҳарни сугориш ва ичимлик суви билан таъминлаш режасини ишлаб чиқишди. 24 та қўшимча қудуқ қазилиши шаҳар аҳолисининг сувга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини берди. Бундан ташқари, баҳорги сув тошқинлари юз берганда талафотларнинг олдини олиш учун Марғилонсой ва Шоҳимардон дарёлари бўйида тўғонлар ва бошқа сув иншоотларини қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шаҳарни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда 22 десятина (1 десятина 1.09 га тенг) майдонда кўчат етиштириш учун махсус жой (питомник) ташкил қилинди. Шаҳар боғи, казарма ва ҳарбий йигин уйи, черков, аскарларни шуғуллантириш майдони атрофларида махсус яшил майдонлар яратилди. 1880 йилнинг охирида губернатор боғига уч миңдан ортиқ манзарали дарахт экилди.

Таъкидлаш жоизки, ўн йил ичида Янги Марғилон кўчатларни етиштириш (питомник) бўйича Туркистоннинг муҳим илмий марказларидан бирига айланди. Бу ерда ўстирилган ва иқлимга мослаштирилган кўчатлар



нафақат Фарғона водийси, балки бошқа ҳудудларга ҳам жўнатилди.

Янги Марғилон ҳалқа тизимида қурилган. Шаҳар тузилмасининг маркази қалъа бўлиб, ундан асосий кўчаларга чиқиш қулай бўлган.

Шунингдек, Янги Марғилоннинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборат эдики, у темир йўлдан узоқда жойлашганлиги учун ўша даврда, савдо-саноат марказига айланмаган, бундай ишлар Қўқонда амалга оширилган. Поезд йўловчилари вилоят марказидан бир неча километр узоқликда жойлашган Горчаково (ҳозирги Марғилон) бекатида вагонга чиқиб ёки тушиб, кейин отарааларда манзилларига кетишган.

Шаҳарнинг биринчи саноат корхонаси, кичик гишт заводларини ҳисобга олматганда, Губернаторский кўчасидаги Скобелев пиво заводи бўлиб, унда биринчи йили (1880 й) 4000 челақдан ортиқ пиво ишлаб чиқарилган. Орадан уч йил ўтиб, заводни ижарага олган тадбиркор-савдогар Фирсов ишлаб чиқариш қувватини 8000 челақка етказди.

Янги Марғилон бошқа вилоят марказларидан кўчаларининг кенглиги ва кўркамлиги, ободончилик ишлари билан фарқ қилган. Худуди кенглигига қарамай Тошкент ва Самарқанд каби йирик шаҳарларга нисбатан аҳолиси кам эди. 1897 йил аҳолини рўйхатга олиш натижасига кўра, Қўқонда 82 миңдан ортиқ, Наманганда 62 миң, Андижонда 46 миң, Эски Марғилонда 37 миң, вилоят пойтахтида эса атиги 8977 аҳоли истиқомат қилган. Орадан 15 йил ўтиб эса бу кўрсаткич 12 000 нафарга етган.

Худуддаги энг қадимий бинолардан бири ҳарбийлар уйи эди. XIX аср охирида Янги Марғилонга ташриф буюрган русийзабон мусофир куйидигиларни ёзган: "Ян-

ги Марғилонда 1878 йилда қурилган мухташам бинонинг ҳарбий ўйинлар, рақса тушиш ва овқатланиш заллари ўзига бутун Марғилон жамиятини осонгина сиғдира олади".

Шаҳарнинг яна бир безаги Фарғона вилояти ҳарбий губернатори қароргоҳи биноси бўлиб, манзарали дарахтлар, хиёбонлар, қизилкари кириш дарвозалари билан ажралиб турган. Бу бинога катта ва чиройли истироҳат боғи туташган. Ушбу мухташам бинонинг (ҳозирги вақтда вилоят архитектура бошқармасига қарашли) бунёдкори меъмор И.А.Леханов бўлган.

Шаҳар марказида меъмор И.С.Китнер лойиҳаси бўйича қурилган Александр Невский собори ҳам бор эди (1930 йил ўртасида бузилган). Унинг олдида (ҳозир Фарғона давлат университети ректорати) эркаклар гимназисининг биноси (меъмор Г.М.Сваричевский) қурилган. Шу лойиҳа асосида бино қуриш кейинчалик аёллар гимназисини учун аввал Самарқандда (ҳозирги университетнинг биноси), сўнгра Чоржуда ҳам такрорланган.

1877 йилдаёқ шаҳарда метеорологик станция пайдо бўлди. 1896 йилда Туркистон география жамиятининг филиали ва кейинчалик музей ташкил этилди. Шунингдек театр, адабиёт, оммабон ва оркестр муסיқаси каби турли ҳаваскорлик клублари, тўғарақлар фаолият кўрсатган.

1907 йилда Янги Марғилон шахри қайта номланди, унинг асосчиси генерал М.Д.Скобелев номи берилди. Бу ном 1924 йилгача сақланиб келди ва шу йили шаҳар "Фарғона" деб номланди.

Дилшод ҚУРБОНОВ,  
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи бош муҳофиз  
Жаҳонгир ТОЙБОЛАЕВ,  
бўлим мудир

<p><b>МУАССИС:</b> "Dildosh media" МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги</p>	<p><b>Бош муҳаррир</b> Дилбаҳор Худойбердиева</p> <p><b>Таҳририят манзили:</b> 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54</p>	<p>Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.</p> <p>Таҳририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқланishi мумкин. "Маданият" материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.</p>	<p><b>Нашр учун масъул:</b> Ш.Исроилова <b>Навбатчи муҳаррир:</b> С.Рихсиева <b>Навбатчи:</b> Н. Содиқова <b>Адади - 8104</b> Буюртма - Г - 517 Сотувда келишилган нархда Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табак</p>	<p>Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.</p> <p>Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Гурон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 23.30 Топширилди - 23.00 1 2 3 4 5 6</p>
--	---	---	---	--

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.